



Нафросат туглишани

Умри боқий дўстлик

Ўзбек комедияси Лаос саҳнасида

Лаос Халқ Демократик Республикасида бундан ўн йил муқаддам революция галаба қозongan эди. Шундан буён бу давлат кўпгина мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустақамлаб келмоқда. Хусусан, Совет Иттифоқидан борган турли касб эгалари, мутахассислар бир қанча ишларини олиб боришмоқда. Яқинда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, режиссёр Баҳодир Йўлдошев шу мамлакатда бўлиб, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» асарини саҳналаштириб қайтди. Мухбиримиз Баҳодир Йўлдошев билан учрашиб, таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

«Келинлар кўзғолони» асари республикамиз, нафақат республикамиз, балки бутун мамлакатимизга машхур. Уни Ватанимизнинг ҳар бир театр коллективи саҳналаштирган десак муболага бўлмас. Сизнингча, лаосликларини бу асар нимаси билан ўзига жалб этган?

— Аввало, мен Лаос Халқ Демократик Республикаси драма театри яратилиши ҳусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу давлат маданий томондан ҳам, маънавий томондан ҳам юксак. Ҳозирги вақтда маҳаллий аҳоли янги ҳаёт кўрмоқда. Шунинг учун улар маданий масканларидан бири — театр ташкил қилишга жазм этишган. Поштах шаҳар—Вентангада ташкил этилган бу театрда уч йил аввал асос солинган. Бунда Вьетнам Социалистик Республикасидаги драма мактабида тахсил олган Дан Тянь жонбозлик кўрсатган. У азалдан мамлакатда расм бўлган рақс мактаби талабаларидан ана шу театр труппасини тузишга муваффақ бўлган. Ҳозир у театрининг директриси бўлиб ишламоқда. Театр коллективи 29 кишидан иборат. Шуниси қизиқки, актёрларнинг биронтаси ҳам олий маълумотга эга эмас.

— Асар таржимони, ундаги бош ролни ижро этган артист ҳақида, саҳна безатувчиси ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Асарини Москвада тахсил олган ёзувчи, таржимон До Ли Ван таржимо қилган. Театр труппасини тузишда жонбозлик кўрсатган Дан Тянь эса Фармонбиди ролини ижро этди. Саҳнани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Брим безади.

— Спектакль премьералари қандай ўтди?

— Спектаклнинг учта премьераси бўлди. Биринчи кунги томошани Совет Иттифоқи элчихонаси ходимлари келиб кўришди, СССРнинг Лаосдаги элчиси актёрларни катта ютуқ билан қутлади.

— Лаослик саҳна усталари, нинг келгусидаги режалари тўғрисида ҳам айтиб берсангиз.

— Ҳамкасбларимизнинг олдидиларга қўйган мақсадларидан бири — олий маълумотли бўлиш, Станиславский назарияларини мукамал билиб олиш. Бунинг учун улар Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига Н. Островский номдаги Тошкент Давлат театри ва расмий санъат институтида лаослик актёрлар учун курс очиб ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат этишмоқчи. Менимча, маданият министрлигимиз буни қўллаша керак.

Ҳамкасбларимизнинг ана бир истаги — Н. В. Гоголнинг «Уйланг» асарини саҳналаштириш.

— Қизиқли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни
Дилшод ЖАЛОЛОВ
олиб борди.

Мен истайман



Мен истайман жуда-жуда, истайман бу дам, Англаб бўлмас синоатни кундай англашми. Дарахларнинг шивиридан ҳали ноён Давронларнинг мақомини сокин тинглашми.

Табиатнинг азал-абад асрорларидан Мен кутармоқ тилайман сир пардаларини. Тушунмоқни истайман мен тонг гулларининг Емонларини қўғандаги зардаларини.

Ой тугилган юксак макон ва юлдузларни Тебратган оқ бешиқларини тушунгим келар. Шабамажларнинг қатрасига жо бўлиб сасиз Гулбаргларнинг ватанига мен нигим келар.

Чашмаларнинг пок кўзидан узмай нигоҳим, Мен азалги бу навога улайман жонни. Вамисоли Жонбеков, фазодан туриб Мен тушунмоқ истайдирман Ўзбекистонни.

Мен созининг илкни тутиб, қолмай ортидан Жон ипини камонига этиб пайваста, Улуғ кўйнинг туғилишини тушунгим келар: Майлига, у гапимиз бўлсин, нолали, хаста.

Қуёш кезган томирларда этилган ишқининг Ҳайратига ташбех излаб Сўзга айлансам. Саратонда Ердон узар шивалаб ёққан Емгирларни соғинган бир дўстдай англасам.

Боболарнинг англаб аввал салом-аулигини, Сўнг тушунсам энг муқаддас қироатини. Шууримга ситмаган сир — муъжиза атаб, Пахтасини айтсам — ойдай зироатини.

Қалб ва шуур сирлар аро яшар ёнма-ён, Жумбонларнинг маконидир бу олам хуллас. Умр-ку тез ўтар-кетар, мен-чи, вожаб, Унинг мангу сирларига тузоқ қўйдим, бас.

Англагандай оддий бир гап — кўнгли каломини, Тушунгандан жонга яқин азиз қилишнинг, Мен истайман шу пок лаҳза, мунис ўқувчим, Англашгини ва мен ҳам тушунганим...

Анвар ИСРОИЛОВ.

Онамга хат



Онажон, энди ҳеч. Кўнглимни бузма, Уғлигини муттасил севиб, Соғиндинг... Тақдиринг қўлида Янгитинг изми — Кимларга ёлбориб, кимга Сигиндинг! Соғиниб яшагим келади мен ҳам, Сигиниб яшагим келади мен ҳам! Кўп олс тунларни Тонларга улаб, Мени қучоғингда этсанг тасаввур, Елгиз паноҳингда омадлар тила — Кўнглимда гул очиб, Портлаган гурур! Фарахли тонларнинг Баридан тутиб,

Умид шўдгорига уруғ сочардим. Шу бахтли кунларнинг Келишини кутиб — Қизим Шаҳнозанинг сочи оқарди. Оқ рангга кўраман бугун оламин, Соф рангга бўйғим келар боламин! Соғинчлар гулхани ловуллаб, ногоҳ Кимсага очмасам зада кўнглимни, Узгалар сингарни урломсам, оҳ — Онажон, кечиргил ношуд ўғлигини! Излагим келади сени, онажон Сизлагим келади сени, онажон!

Манзара

Ойдин кеча, чароғон кеча, От дупури келар узоқдан. Дилда не-не суронлар кечар Типирчилар қўшча тузоқда.

Ойдин кеча — ширин бир оғуш, От дупури — сеҳрлар оҳанг. Тузоғини узиб учган қуш — Қанотига ота бошлар тонг...

Кўнглимдаги гап

Кимсалардан, «шафқат талаб» Эдиқода имонидан жудолардан кўрқаман.

Она замин кипригимда Тончи ёшдай омонат — «Омонатдир», деган нодон индолардан кўрқаман. Шавкат ТУРОБ.



Яқинда республика сатира театрида Александр Козловскийнинг «Редкиннинг нақши» спектакли премьераси бўлиб ўтди. Спектаклнинг режиссёр Нуриддин Қосимов саҳналаштирди. Рақсларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба Мадраҳмова постановка қилган.

Бу асарда ҳали ҳам жамиятмизда учраб турадиган бюрократ, манфаатпараст, техникўрларнинг кирдиқорлари қаттиқ танқид остига олинган.

СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш.

М. Назаров фотолари.

Наприёт тухфаси

История
узбекской
советской
литературы

1

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига масъулиятли вазифа — рус ва ўзбек тилларида беш жилдан иборат «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратилиш тошмирига эди. Шу кунларда бу йирик илмий ишнинг биринчи жилди босмадан чиқди.

Тўғри, 1967 йил Москвада рус тилида бир жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи», 1967—1972 йилларда «Фан» нашриётида ўзбек тилида уч жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китоблари чоп этилган эди. Бу китоблар ўзбек совет адабиёти билан қизиқувчиларга жуда қўл келган эди.

Мазкур китобнинг биринчи жилди 1917—1941 йиллар орасидаги ўзбек совет адабиёти манзарасини қизиб беришга бағишланган. Бу энг қизғин, энг мураккаб давр ҳисобланади.

Ўзбек адабиёти учун янги жанр бўлиши роман, драматургия жанрларининг қарор топиш йўллари, қадимий, синалган жанр ўзбек поэзиясининг янги фазилатларини кўрсатувчи таҳлиллар билан танишди.

«Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг бундай келиши маданий ҳаётимиздаги қувончли воқеадир.

Сабоҳиддин МАМАЖОНОВ.

Тинчлик бўлсин

Хикоя

дам олиб ўтирадиган жойлари — мажнунотлар остидаги майсизорга бошлади. Насима кўм-кўм майсалар устига қўнқайиб, саврайхону атир-гулларнинг димоқни қитқилгачи хиди уфуриб турган соф ҳаводан тўйиб нафас олди, сўнг ёнаторини қизикчи билан кузата бошлади. Богчадаги белгича оқланган олча фарқ қилган. Унинг бир чекка шохига илгинган қарасдаги жажжигина канарейка тинмай сайрайди. Бундан ҳар нарсаси ишқибоз кўниси-нинг деразага осилган беданаси завқ олди шекилли, беш-олти марта «ват-валак, ват-валак» деб хонини қилиб қўйди.

Гулбаҳор бирдангина гуллар ичиндан учиб чиққан атлас капалакни қўриб қолди ва «Ойи, наранг, капалак!», дея уни қувиб кетди.

...Шу пайт узоқларда нимадир оғир гўмбурлаб ер ларзага келгандек бўлди. Дарахлар, гуллар, районлар қаттиқ силкинди, капалак эса зумда қўздан ғойиб бўлди. Рўпарадаги баланд уйнинг бир томони кулаб тушди, атрофни одамларнинг қий-чув, дод-фаради тутиб кетди. Симёғочлардан чарсиллаб ўт чиқиб, улар гуриллаб ана бошлади. Қизчанинг ваҳимадан ранг-

лари оқариб кетди. «Ойжон!» деганича ўзини унинг қучоғига олди. Насима ҳажжондан юраги томоғига тикилиб: «Уруш, бомба портлади!..» дея пичирларди.

Аллакаердан баҳайбат кўзкоринини эслатадиган тутун кўтарилди. Чор атроф: уйлар, дарахлар, гуллар, районлар ҳаммаси гуриллаб ёнмоқда эди. Булут тарқалиб, унинг ўртасида беркашдек қуёш пайдо бўлди. Насима у томонга қараган эди, кўзлари қуёшнинг даҳшатли нурларига дош беролмай ачишиб кетди. Ҳозиргина капалак қувиб юрган қизчаси унга тармашганича чинқириб йиғламоқда эди.

— Салим ака, қаердасиз! — кучининг борица қичқирди Насима. — Салим ака, бизга ёрдам беринг, қаердасиз-из! Салим ака-а-а.

— Насима, тинчлан, — деган босиқ товуш келди қаердандир. Ҳа, бу эрининг товуши. Эри шунақа, доимо хотиржам гапирарди...

Насима қўйиб уйғониб кетди. Юраги гуриллаб урар, ўзи жижика тегра тушиб кетибди. Эри эса унинг елкасидан оҳиста силкириди.

— Ҳа, Насима, сенга нима бўлди?

— Ҳа, шундай... ёмон туш кўрибман, — деди Насима ва ўрнидан секин туриб, қизчасининг тепасига борди. Қизи дўбқоқина қўнқаларини кўрагига қўйганича ҳамон пишиллаб ухларди. Кейин балконга чиқди, атрофга назар ташлади. Шаҳар тинч уйқуда. Осмон мусаффо, беғубор, тинч. Бод-роқдек ғўж бўлиб чарқлаб ётган юлдузлар ўртасида кўр тўкиб турган ойнинг шўшласи борлиқни сўтдек ёритган эди. Насима ҳаёлга толди. Кундузи телевизорда атом бомбаси ҳақида ҳужжатли фильм кўрилган, ошми дамлаб қўйиб сайрга қиққанларда осмон беғубор гуллараб, ёмғир қўйиб юборгани эсига тушди.

— Ишқилиб тинчлик бўлсин, — пичирлади у чексиз тинч осмоннинг ҳар бубчақларига назар солар экан.

У оёқ учига юриб бориб, эрининг пинжига кирди. Юқоридаги жумалар энди беҳишёр Салимининг кўнглидан ўтаётган эди:

«Тинчлик бўлсин, ишқилиб...»

Аваз ҲАЙДАРОВ.

— Туттагандан кўра, ёниб яшаган яхшидир! — деб баҳона топиб безори ўғил.

ЭТИРОЗ

Автохаваскорга ГАИ ходими деди:
— Рулга ичиб ўтирибсиз!..
— Нега рулга ўтирмакман, юмшоқ ўрнидаки ўтирибман-ку...

Анвар МИРЗАЕВ.

Хажвий сатрлар

МУҲАББАТ

Ажрашмоқчи бўлган аёл эрига деди:
— Ўртамаздаги муҳаббат нима бўлади!
— Бир кунини кўрар...

БЕЗОРИ

Она безори ўғлига нолди:
— Намунча қуйдирмасанг, болам!

«Пепси-кола»

ичимлиги

ПЕПСИ-КОЛАНИ КАТТАЛАР ҲАМ, БОЛАЛАР ҲАМ БИРДАН СЕВИБ ИЧИШАДИ. СОВУҚ ҲОЛДА ИЧИЛГАНДА КИШИГА ЯНА ҲАМ ЕЎИМЛИ ТУЮЛАДИ.

ЎЗИГА ХОС ШИРИН ТАЪМГА ЭГА БУЛГАН КЎПИРИВ ТУРУВЧИ, ХУШБҲУИ БУ ИЧИМЛИКНИ

ҚИВРАИ ЧАҚОВВОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

ПЕПСИ-КОЛА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ ВА ГАСТРОНОМЛАРДА, ЧАҚОВВОСДИ ИЧИМЛИКЛАР СЎТИЛАДИГАН КИОСКАЛАРДА ҲАМДА «ОРОМ» ФИРМА МАГАЗИНИДА СЎТИЛМОҚДА.

Баҳоси — 45 тиيين.

ҚИВРАИ ЧАҚОВВОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ.

Касб танлаймиз

«ТЕХНИКА РЎЗБОРДА» МАКТАБ МАГАЗИНИ ҚИЗЛАРНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

Замонавий малакали сотувчи бўлиш учун зарур бўлган товаршунослик, этика ва эстетика ҳамда психологияга оид билимларини «Техника рўзборда» мактаб-магизинида эгаллашингиз мумкин.

Ўқиниш муддати — 6 ой бўлиб, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ойига 83 сумгача стипендия тўланади. Ўқинишга 10-синф маълумотига эга, Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган қизлар қабул қилинади.

Мактаб-магизинини битирганингиздан сўнг сизга кичик сотувчи малакаси берилади ва сиз «Ташхозторг» магазинларидан бирида иш билан таъминланасиз. Орадан бир йил ўтгандан сўнг Тошкент

совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртки бўлимида ўқиниш давом эттиришингиз мумкин.

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР:

Паспорт, маълумот ҳақида ҳужжат, 5х6 см. ҳажмдаги ўрта фотосурат, турар жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ариза.

«Ташхозторг» адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси (надрлар бўлими). Ҳужжатлар соат 9 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мактаб-магизини адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, «Марказ-14» квартири, 24-уй.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон: 91-59-53).

ЭНГ СЎНГИ МОДАДАГИ ҚУЙЛАК, ПАЛЬТО, ТРИКОТАЖ ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ

«ПЕРСПЕКТИВА» МАГАЗИНИГА ТАШРИФ БУЮРИНГИ

15 АПРЕЛДАН 20 АПРЕЛГАЧА

бу магазинида ташкил этиладиган комплекс савдо-кўрсатмасига кийим ва трикотаж моделлари Республика уйлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкентдаги «Малика» трико-

таж ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз махсулотларини тақдим этадилар. «Перспектива» магазинининг адреси: Халқлар дўстлиги кўчаси, 3 а (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси). Иш вақти: соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш кўни — душанба.

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАРИ

Агарда ер ости газопроводлари, қудуқлар еки ертўлалардан газ чиқарганини сезсангиз дарҳол ХАВФ-ХАТАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ:

- ўт ёқманг;
- чекишга йўл қўйманг;

— электр чироқларни ёқиб-ўчирманг. Бу ҳақда 48-56-24, 48-55-29 телефонлари орқали ерости газопровод хизматига ёки 53-56-19, 55-44-27, 56-44-29 телефонлари орқали «ТАШГАЗ» бирлашмасининг авария-диспетчерлик хизматига албатта хабар қилинг.

ЭСДА ТУТИНГ: ер ости газопроводларидан газнинг силбик чикиши жиддий хавф-хатар туғдиради, ертўлалар, қудуқлар, шунингдек турар жой хоналарида портлаш учун қулай шароит вужудга келтиради.

Ер ости газопроводларидан газ чиқишининг олдини олиш бўйича ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар — хавфсизлик гаровидир.

Айни вақтда шунинг ҳам эслатиб ўтаамиз. Газ қудуқларида органик газлар ҳам тупланиши мумкин. Бундай газлар портлаш хавфини туғдиради ва киши нафасини бўғайди.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагилар қатъийан ман этилади:

- бегона граждандарнинг газ қудуқларига тушиши;
- ота-оналарнинг қудуқлар ва унга яқин ерларда болаларнинг ўйнаши ва шўхлик қилишига йўл қўйишлари;
- қудуқлар ёки унга яқин ерда гулхан ёқиш. Бу қўйилган оқибатларга олиб келиши мумкин.

«ТАШГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Республика кийим моделлари уйининг «МОДАЛАР» ТЕАТРИ

15, 16, 17, 22, 23, 24, 30 апрель соат 19.00 да

«КАТТА ШАҲАР КЎЧАЛАРИ»

МАВСУМ МОДЕЛЛАРИНИНГ ТЕАТРАЛЛАШТИРИЛГАН НАМОЙИШИ

ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

Билетлар Республика кийим моделлари уйининг «КИЙИМЛАР» магазини-салонида сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявклар қабул қилинади. Телефон: 58-05-25. Адрес: Сапёрлар кўчаси, 25-уй.

Тошкент шаҳридаги корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги корхоналари ва ташкилотлари хузурида ташкил этилаётган

КООПЕРАТИВЛАР

САВДО САЛОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ШУНИНГДЕК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ОМБОРЛАР СИФАТИДА ФОНДАЛАНИШ УЧУН ЯРОҚЛИ ХОНАЛАРНИ

ИЖАРАГА ОЛАДИ

41-83-07 телефони орқали иш кунлари соат 10 дан 19.00 гача мурожаат қилинсин.

14 АПРЕЛЬ
СОАТ 10.00 ДА

«ПРИВОРЛАР ВА ХИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ» САЛОНИ ВИНОВИДА «ЭВМ РС-320 М» ЛА-20 МАНТИҚ АНАЛИЗАТОРИ МАВЗУИДА

СЕМИНАР
ЎТҚИЛАДИ

ТЕБИСИДАГИ «ЭЛВА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ ДОҚЛАДЛАР БИЛАН ЧИҚИШАДИ

Барча қизиққан мутахассисларнинг семинар ишида қатнашиш учун тақлиф қилинади.

Визинг адрес: Тошкент шаҳри, Гафур Ғулом кўчаси, 2-уй (4, 9, 11-трамвайлар; 29, 77, 13-автобусларнинг «Октябрь» майдони) бекати) Справклар учун телефонлар: 78-02-38, 78-40-43.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ТЕРИ-ТАНОСИЛ КАССАЛИКЛАРИ ДИСПАНСЕРИНИНГ

консультация поликлиническ кошида СПИДга қарши аноним тарзда қўриқдан ўтказувчи «ИШОНЧ КАБИНЕТИ» ОЧИЛДИ

Холдовичларнинг қуйидаги адресга мурожаат қилишнинг сураиши: 700015, Тошкент шаҳри, Нафанов кўчаси, 104-уй.

Қабул — ҳар кун, яшавбадан ташқари соат 9 дан 19.00 гача.

Янгийўл шаҳар медицина билим юрти томонидан Пазилова Хадича Бугатилиева номига берилган ИТ-1 196182 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташхозторг» р о м» Акмал Икромов район улғуржи чакана мева-сабзавот комбинатининг 8-магазини филиалига қарашли йўқолган

ШТАМП

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Дўстлик алоқалари

Америка Қўшма Штатларининг «Фрэндишп форс» («Куч дўстлиги») жамоат ташкилотиде делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Делегация аъзолари совет кишилари оилаларида бўлиб уларнинг ҳаёти билан танишдилар.

Америкадаги бу ташкилот бир қатор мамлакатлар меҳнаткашларининг турмуш тарзини ўрганишни мақсад қилиб қўйган. Меҳмонлар ўзбеклар дёври илфоти, миллий архитектураси, санъатдан яхши таассурот олдилар.

М. НАЗАРОВ.

СУРАТДА: учрашув кунларида.

Автор фотолари.



Табият ва инсон

Республика конкурси яқунлари

Ўзбекистон табиятни муҳофаза қилиш жамияти ва республика Журналистлар союзи «Табият ва инсон» шiori остида ҳар йили ўтказадиган республика конкурси яқунлари чикарилади.

Биринчи мукофот ва табият муҳофаза қилиш жамиятининг биринчи даражали дипломи «Ўзбекистон адабиёт ва санъати» газетаси ретини таъминлади. «Экономика ва жинс» журнали ва «Ленин ўқуни» газетаси редакциялари иккинчи мукофотни олишга сазовор бўлди. Учинчи мукофот — ЎзТАГга, «Совет Ўзбекистони» ва «Еш Ленин» газеталарининг редакцияларига берилди. «Комсомолец Ўзбекистана», «Пионер Востока» газеталарининг, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Ўзбекистана» журналы редакциялари рағбатлантирувчи мукофот ва Журналистлар союзининг ёрликлари билан тақдирландилар.

Област газеталари орасида биринчи мукофот ва биринчи даражали дипломи Самарқанд областининг «Ленин йўли» газетаси редакцияси коллектив олишга муваффақ бўлди. Иккинчи мукофот «Ташкентская правда» ва «Наманган ҳақиқати» газеталари редакцияларига, учинчи мукофот «Ленин байроғи» (Сурхондарё области), «Советская правда» (Знамя Дружбы) (Навоий области), «Джизакская правда» газеталарининг коллективларига берилди. «Тошкент ҳақиқати», «Қашқадарё ҳақиқати», «Ленинское знамя» (Сурхондарё области), «Ферганская правда» газеталарининг редакциялари рағбатлантирувчи мукофот ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг ёрликлари билан тақдирландилар.

Район ва шаҳар газеталари орасида «Вечерний Ташкент» ва Жомбой районининг «Шонли меҳнат» газеталари гойиб деб топилди ҳамда уларга биринчи мукофот ва биринчи даражали дипломлар берилди. Иккинчи мукофот Зафар районидеги «Коммунизм йўли», Наманган район «Учқун», Китоб район «Ғалаба» газеталарининг редакцияларига берилди. Учинчи мукофот Пахтабод район «Пахтабод», Шахрисабз район «Коммунизм байроғи», Бойсун районининг «Ғалаба» газеталарига, «Тошкент оқшоми» шаҳар газетасига берилди.

[ЎТАГ].

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ
ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КҲНЛАРИ
ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА

Д. РИБАКОВНИНГ «АРБАТ БОЛАЛАРИ» КИТОБИГА

АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

ҲАР БИР ҚАБУЛ ПУНКТИДА:

- 17 апрелда 200 тадан;
- 22 апрелда 100 тадан;
- 23 апрелда 100 тадан;
- 24 апрелда 150 тадан абонемент тарқатилади.

Д. РИБАКОВНИНГ «АРБАТ БОЛАЛАРИ» китобига абонементлар фақат бир вақтнинг ўзида 20 килограмм макулатура ёки 3 килограмм ил-газлама латта-путталари топирилгандан кейингина берилади.

Абонемент мазкур китобнинг китоб савдоси шаҳобчаларига келиб тушгани ҳақидаги эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 3 ой мобайнида ўз кучини сақлайди.

Абонементлар пайшанба кунлари — соат 18.00 дан бошлаб, шанба ва яшанба кунлари — соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Бошқа кунлари эса макулатура абонементлар учун марналар комплектини тўлдиринг учун ҳамда топирилган макулатура ва иккиламчи хом ашёларга 52-01 преискуранти харид нархларида ҳақ тўлаш учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Топирилган 1 килограмм макулатура учун — 2 тиيين, топирилган 1 килограмм жун, ярим жун, латта-путталар учун — 16 тиيين, топирилган 1 килограмм ил-газлама латта-путталари, каноп ва қоплар учун — 6 тиيين ҳақ тўланади.

Қабул пункт-магазинлари ҳар кун, жумадан ташқари — соат 9 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус — соат 13 дан 14.00 гача, жума кун — соат 11 дан 20.00 гача очик, танаффус — соат 14 дан 15.00 гача, дам олиш кўни — душанба.

Макулатуралар фақат алоҳида турига қараб: газета, китоб-журнал, рўзгор картони ва ўров қорозлари тарзида дасталаб боғланган ҳолда граждандарнинг қаерда яшаб туришларидан қатъий назар наватбатта туриш тартиби билан қабул қилинади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига наватбатта ташқари хизмат кўрсатилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1981 йил 4 июндаги 354-Р сонли қўрсатмасига биноан Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига ҳар қабул пунктига бериладиган абонементлар умумий ҳажмининг 20 процентини бериш нормаси белгиланган.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини абонементлар олиш учун қабул пункт-магазинларига фаол равишда топириш унда қўрсатилган адабиётларнинг китоб савдоси шаҳобчаларига тезроқ келиб тушишига кўмаклашад.

Аҳолида китоб олимаган катта миқдордаги абонементлар тўпланиб қолганлиги, шунингдек макулатура топирувчи кишиларга сотиш учун мўлажалланган китобларнинг маълум қисми китоб савдоси шаҳобчаларига келиб тушиши кечикаётганлиги муносабати билан қуйидаги авторларнинг китобларига берилган абонементларнинг амал қилиш муддати

1988 йИЛНИНГ 1 ИЮЛИГАЧА УЗАТИРИЛАДИ:

Р. Стенсон. «ВЛАДЕТЕЛЬ БАЛЛАТРА». А. Ладиский. «В ДНИ КАРАКАЛЛИ». А. Ладиский. «ПОСЛЕДНИЙ ПУТЬ ВЛАДИМИРА МОНОМАХА». Т. Драйвер. «ФИНАНСИСТ». А. Ладиский. «КОГДА ПАЛ ХЕРСОНЕС». И. Ефремов. «ЛЕЗВИЕ БРИТВИ». А. Беляев. «ИЗБРАННОЕ». А. Толстой. «ЗОЛОТОЙ КЛЮЧИК ИЛИ ПРИКЛЮЧЕНИЕ БУРАТИНО».

Ремонт ўтказилши муносабати билан апрель ойда 12 ва 52-қабул пунктларида абонементлар тарқатилмайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАНЕРЛОВ КОРХОНАСИ.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ОМОНАТ КАССАЛАРИГА

ОМОНАТ КАССАЛАРИДАГИ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БУЙИЧА 1988 ЙИЛ 6 АПРЕЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА УЙНАЛГАН 9-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча омонат кассаларидаги ютуқли омонатларнинг куйидаги сўёт номерларига ютуқлар чиқди.

ОМОНАТ КАССАЛАРИДАГИ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БУЙИЧА 1988 ЙИЛ 6 АПРЕЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА УЙНАЛГАН 9-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча омонат кассаларидаги пул-буюм ютуқли омонатлар буйича куйидаги сўёт номерларига ютуқлар чиқди.

Сўёт номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида)	Сўёт номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида)
A-036	25	B-019	25
A-061	25	B-060	25
A-083	25	B-102	100
A-148	25	B-127	25
A-162	25	B-171	25
A-218	25	B-214	25
A-254	25	B-251	25
A-285	25	B-292	25
A-323	100	B-353	25
A-377	25	B-395	25
A-406	25	B-407	25
A-465	25	B-471	25
A-486	50	B-519	25
A-527	25	B-524	25
A-569	25	B-583	25
A-635	25	B-627	25
A-688	200	B-669	50
A-683	25	B-724	25
A-748	25	B-780	100
A-786	25	B-774	25
A-817	25	B-804	25
A-847	50	B-844	25
A-896	25	B-880	200
A-944	25	B-945	25
A-994	25	B-979	25

Сўётлар сон 1000 тадан кўп бўлган омонат кассаларида кийинги барча мингликда ҳисобга кирувчи биринчи мингликдаги ўхшаб айнан ўша сўёт номерларига ютуқлар чиқди, яъни A-036, A-1036, A-2036 ва ҳоказо, A-061, A-1061, A-2061 ва ҳоказо сўётлар ютган ҳисобланади.

Тираж комиссиясининг раиси — Киров район Совети ижроия комитетининг раиси Р. Х. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ, Комиссиянинг масъул секретари — М. Х. ИҲЛДОШЕВА.

Сўётлар сон 1000 тадан кўп бўлган омонат кассаларида кийинги барча мингликда ҳисобга кирувчи биринчи мингликдаги ўхшаб айнан ўша сўёт номерларига ютуқлар чиқди, яъни B-019, B-1019, B-2019 ва ҳоказо, B-060, B-1060, B-2060, B-3060 ва ҳоказо сўётлар ютган ҳисобланади.

Тираж комиссиясининг раиси — Киров район Совети ижроия комитетининг раиси Р. Х. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ, Комиссиянинг масъул секретари — М. Х. ИҲЛДОШЕВА.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IV да Зебунисо, 13/IV да Тошкент давлат консерваторияси опера студиясининг спектакллари Джанни Сикки, Моцарт ва Сальери.

МУҚИМНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IV да Хотиманин эри, 13/IV да Шайтон ва мурдлар, 14/IV да Аршин мол олон.

Кино

11 АПРЕЛДА БАДИЙИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚИЗЛАРНИ ҲИҚЛАШ», «СИНБАДНИНГ ЕТТИНЧИ САЕХАТИ» (катта зал, 17, 20.00), «ФЛЕЙТА УЧУН УНУТИЛГАН КУЙ» (кичик зал, 20.45); «ҚИЗЛАРНИ ҲИҚЛАШ», «СИНБАДНИНГ ЕТТИНЧИ САЕХАТИ» (кичик зал, 18.00).

Чайка — «ДИСКО РАҚҚОСИ» (16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТУЗОҚ» (17, 19, 21.00), «ВЛКСМ 30 йиллиги» — «САМ-РААТ» (20.00).

Нукус — «XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ», «ВИЗАНТИЯЛИК САВДОГАРНИНГ ХАЗИНАЛАРИ» (17, 20.00).

Дружба — «БАҒРИТОШ ОТАНИНГ ҲИҚЛАРИ» (17, 18, 20.30).

Лисув номли — «ОДИС-СЕРНИНГ САРГУЗАШЛАРИ», «ЕНГИЛМАС» (17, 20.00).

Восток — «ТУРТ МУШКЕТЕР» (18.30, 21.00).

Козогистон — «ЕТТИ САМУРАЙ» (17, 20.00); «ИККИ ЕКЛАМА ҚОПҚОН» (18.00).</